



## Йўлим йўқ (Огаҳий)



Йўлим йўқ, ё Илохо, дилда догман,  
Бошимдан то оёк, тегру гунохман.

«Егум» деб хонингузра неъматингдан,  
Курук колмокдадурман тоатингдан.

Мани гумрох этибдур нафси шайтон,  
Оёк кўйган еримдур фиску исён.

Мани банд айламиш ул нафси маккор,  
Гирифторман, гирифторман, гирифтор.

Йўкотдим умрими вайрон аро мен,  
Шу боисдан юзи беҳад каромен.

Мудом килган ишим нафс пешасидур,  
Бу кажрафтор жахон андешасидур.

Бузук бу фикри дунё бирла мастман,  
Магар бир кофири дунёпарастман.

Мани банд айласа шайтони нопок,  
Бўлур шум ишларимдин у хазарнок.

Кўлимдин тутмасанг ох не бўлурман,  
Бўлиб расвою гумрох мен, ўлурман.

Худовандо! Баҳакки Арши Аъло,  
Халос этсин ўзидин банди дунё.

Насиб хам менга бўлсин базми тахкик,  
Тўла тутгил лабимга жоми тавфик.

Худовандо! Баҳакки чарх хуршид,  
Мани лутфингдин этма, хору новмид.

Худовандо! Баҳакки курбу Жибрийл,  
Неки эзгулик ўлса айлайн майл.

Худовандо! Ўзингким ҳакки Мурсал,  
Чигал не бўлса еч, кил мушкилим хал.

Худовандо! Баҳакки саййиди пок,  
Кўзимни айла ишк дардида намнок.

Худовандо, Баҳакки Шохимардон,  
Бўлай мен мардларингдек шонли инсон.

Худовандо! Баҳакки кутбул актоб,  
Шароби шавкингдин кил дилни сероб.

Худовандо! Баҳакки ашку охим,  
Афу килгил бари журму гунохим.

Худовандо! Баҳакки ахли ирфон,

Ёритсин махшаримни дурри иймон.

Худовандо! Бахакки хавзи Кавсар,  
Менга кахр этмагил, Сан хавли махшар.

Худовандо! Бахакки боги жаннат,  
Насибам айла жаннат ичра ишрат.

Худовандо! Бахакки хуру гилмон,  
Манга кил хуру гилмонларни ёрон.

Ки ёрон хакки, то килгум ризосин,  
Кабул кил, Огахийнинг хам дуосин.

У махзуну у мискин икки олам  
Аро бўлсин, илохо, шоду хуррам.

Шарх: Йўлим йўк

Ё Аллохим ўзинг карам килгин! Умр йўлимга назар ташлайману дилим куяди. Бошдан оёгимгача гунох гарди билан булганганман. Дунё неъматларига мухаббат кўйиб, тоат-ибодатдек буюк неъматингдан бебахра колмоқдаман. Шайтони лайъин мени догда колдирмоқда. Хар кадамимдан фиску исён чанги кўтарилади. Маккор нафс тўрлари оёк-кўлим нари турсин, калбим ва аклимни хам чулгаган. Нафс бандасиман, хар не килмайин нафс куллигига гирифторман. Умримни шу вайрона, пашшанинг каноти кадар кадри йўк дунё йўлида сарфлаёзим. Ё Парвардигоро! Мен кандайин юзи каро бандангман. Нафс тузогига тобора махкамрок банд бўлмишман. Дунё фикри мени шу куйга соляпти. Сар-хушлик мени расвойи жахон этмоқда. Ё Илохо! Кимман ўзи?! Мўъмин бир бандангманми ёки кофир бир дунёпарастманми? Ўзинг нажот бер, яратган Эгам! Шунчалар тубан кетганманки, хатто шайтон менга якинлашмоқдан хазар килади. Эй яратган Парвардигор! Ўзинг нажот бер! Нажот бермасанг, ўлимтик жасаддан фарким колмас. Ё Худовандо! Зоти покинг хакки хурмати, бу гумрохлигим келтирадиган халокатдан Ўзинг мухофаза эт. Арши аълоинг хурмати, ё Тангрим, кўнглимни дунё бандидан халос айла! Менга хам тафаккур ва тадкик салохияти насиб этсин, ташна лабларим тавфик — иймон-эътикод жомига етишсин. Аллохим шу айланиб турган чархи замон, порлок нур сочиб турган азим куёшинг хакки мен гунохкор бандангни рахмат нуригдан ноумид этма! Осмондаги тўлин ой ва юлдузларинг хакки хурмати мен бечора кулинг холига рахм кил! Сенга якин бўлган улуг фариштанг Жаброил алайхиссалом хакки хурмати кўнглимни иймон кучаядиган, калб хотиржам топадиган амалларга мойил эт! Расул мурсалийн, Мухаммад Мустафо (с.а.в) хурматларини ўртага кўйиб сўрайман, ё Худовандо, мени ўраб олган нафс тўрларини даф кил, калбим чигалларини ечгин, мушкулим осон кил! Парвардигоро! Ул сайидларнинг поки хакки кўзларимни Ўзингга бўлган ишк ашклари билан намнок айла! Севган кулинг-Алиюл Муртазо розиёллоху анху каби менга хам мардлик ато кил! Дунёни махв этмиш кутбул — актоблар сингари Ўзингга мухаббат шавки билан калбимни сероб айлагин! Ё Аллохи Карим! Тўккан кўз ёшларим, чеккан ох — нолаларим хакки исёнда ўтган онларимни, гунохи кабираларимни кечиргин! Маърифат ахли хакки хурмати махшар тонгида иймоним билан тирилтир! Худовандо!

Хавзи кавсаринг хурмати ҳаққи ўтинаман, махшаргоҳда менга қаҳр этмагин!  
Жаннатинг ҳаққи, ё Кодир Эгам! Жаннат фарогатини менга ҳам насиб айла! Жаннат  
богларида яшнаб-яйраб юрган бетимсол хурларинг ҳаққи мени ҳам уларнинг висолидан  
бенасиб қўйма! Барча ўтган мўъмин бандаларинг хурмати бечора Огахийнинг дуоларини  
ҳам қабул айла! Гамлар залвори остида эзилган бу фақир кулинг ҳам икки дунё  
саодатига нойил бўлсин!

Раҳматуллоҳ Носирнинг  
"Соз билан суҳбат" китобидан